

**“ТИББИЙ ДИСКУРС” ТУШУНЧАСИ ТАҲЛИЛИ ВА  
ТАДҚИҚИ МАСАЛАСИ.**

**Бабаева Гулноза Латифовна,**  
*Андижон машинасозлик институти,  
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ассистенти,  
[boboyevagulnoza6@gmail.com](mailto:boboyevagulnoza6@gmail.com)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада шифокор ва бемор ўртасидаги ўзаро мулоқот жараёнидаги коммуникатив компетенцияни тўлақонли очиб бериш билан бир қаторда, тиббий дискурс тушунчасини бир неча олимларнинг фикрига қўра таҳлил қилиниб, унда шифокорларнинг нутқини тасдиқлаш ва сақлаш воситаси, шунингдек манипуляция воситаси сифатида ўрагинилиб, тадбиқ қилинишини кўриш мумкин.

**Калит сўзлар:** *Тиббий дискурс, medicina, аффиксация, қўшма сўзлар, конверсия, аббревиатура, метафора-соматизм, геоморфик метафора, аффиксал,*

Сўнги йилларда тиббиётнинг ижтимоий роли кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлмоқда, чунки соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар баъзи долзарб вазифаларни ҳал қилишга имкон берган бўлса-да, янги муаммоларни келтириб чиқарди. Буларга тиббийлаштиришнинг кенгайиши, ташкилий ва техник омилларнинг: тиббиёт ходимлари сонининг камайиши, уларга иш соатининг ошиши, бюрократизация ва маслаҳатлашувлар учун ажратилган вақтнинг қисқариши, шунингдек, янги биотехнологиялар таъсири остида тиббий амалиётларнинг ўзгариши киради. Бу муаммоларнинг барчаси шифокор ва бемор ўртасидаги коммуникатив муносабатлар моделларининг ўзгаришига олиб келди, бу эса ўз навбатида тиббий дискурсни лингвистик, психологик, ижтимоий ва маданий ҳодиса сифатида ўрганиш ва тавсифлашга бағишланган кўплаб тадқиқотларнинг пайдо бўлишига олиб келди ва методологик ёндашув асосида тиббий дискурс шакллари аниқлаш, тизимлаштириш ва умумлаштириш фикри юзага келди.

“Тиббий дискурс” тушунчаси доирасини аниқлаштириш ва кўриб чиқиш учун унинг тузилиши тамойиллари, “тиббиёт” сўзининг таърифларини таҳлил қилиниши ўринлидир. Этимологик жиҳатдан лексема латин *medicina* атамасига бориб тақалади ҳамда нормал ва патологик жараёнларни ўрганиш бўйича инсон саломатлигини сақлаш, турли касалликлар бўйича патологик шароитлар яратиш каби илмий ва амалий соҳани англатади. Семантик тузилишга асосланган “тиббиёт” тушунчасидан “тиббий дискурс” феномени доирасини аниқлаш мумкин.

Тиббий дискурс – бу илгари бир-бирини танимайдиган, лекин керак бўлганда одамлар орасида жамият ва ушбу жамоатчилик муассасаси нормаларига мувофиқ мулоқот қилиши шарт бўлган махсус алоқа тури. Тиббий дискурс глобал муаммо бўлиб, муҳтожларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва турли соҳа ходимлари билан белгиланган профессионал ўзаро таъсир (мулоқот) туридир<sup>27</sup>.

Тиббий дискурс ўтган асрнинг 60-70-йилларида АҚШ ва Европада фаннинг бошқа антропологик соҳалари қаторида ўрганила бошланди. Ғарб тилшунослигида тиббий дискурсни таҳлил қилишнинг иккита ёндашувини ажратиш мумкин. Биринчидан, АҚШда социоллингвистика нуқтаи назаридан ривожланаётган клиник суҳбатларни таҳлил қилиш (тадқиқотчилар бу ёндашувни микроаналитик деб

<sup>27</sup>Барсукова М.И. Медицинский дискурс: стратегии и тактики речевого поведения врача: автореф. дис...канд. филол. наук [Текст]/ М.И. Барсукова. – Саратов, 2007. – 21 с.

таърифлайдилар), иккинчидан, Европада М.Фуко асарларида кўрсатилган фалсафий фанлар йўналиши билан боғлиқ дискурсив тадқиқотлар. Уларда нутқ шифокорнинг ваколатларини тасдиқлаш ва сақлаш воситаси, шунингдек, манипуляция воситаси сифатида таҳлил қилинади (макроаналитик ёндашув). Иккала, фалсафий ва социологик ёндашувларнинг марказий муаммоси беморга тиббий дискурсада таъсир қилиш усуллари йўганиш, тиббий нутқнинг ижтимоий назорат шакли сифатида ишлашини аниқлаш эди<sup>28</sup>.

Француз тиббий дискурси ҳақида гапирганда, рус тадқиқотчилари Ф.Л.Косицкая ва М.В.Матюхина тиббий дискурсни полифониясини қайд этиб, “бу мураккаб ташкил этилган дискурсив, кўп ўлчовли, бир хил бўлмаган шаклланишидир. Унинг коммуникатив майдони – бу реклама, тиббий академик, тиббиёт соҳасидаги қонунчилик (ҳуқуқий), илмий тиббий ва шахсий тиббий дискурсларнинг ўзаро таъсири”, деб қайд этадилар<sup>29</sup>.

Ҳозирги вақтда тиббий дискурсни таснифлашни кўриб чиқиладиган муаммолари орасида терапевтик нутқнинг лингвистик хусусиятлари, яъни маданиятлараро учрашувларда таржима; бемор ва шифокор ўртасидаги учрашувга сабаб бўлган аниқ тиббий муаммолар ва улар ўртасида ўзаро тушунишга эришишда, шунингдек, профессионал назорат усуллари сифатида ажралиб туради<sup>30</sup>. Тиббий дискурс тадқиқотлари натижалари янги шифокорларни тайёрлаш ва уларни сертификатлаш (тегишли гувоҳнома билан таъминлаш) учун қўлланилган.

Тиббиёт тилини ўрганиш бўйича ишларда, биринчи навбатда, тиббий терминология, семантика ва тиббиётда сўзларнинг шаклланиши, турли тилларда тиббиёт атамалари, уларни таққослашга бағишланган асарлар, шунингдек, терминология соҳаларини ўрганишда тиббиётнинг алоҳида тармоқлари (гастроэнтерология, офталмология)ни ажратиш лозим. Худди шундай тиббий дискурсни синтаксиси ва алоҳида жанрлари (клиник протокол, стационар беморнинг тиббий картаси)нинг ўзига хос хусусиятлари

ҳам ўрганилади. Масалан, Э.И.Сахратова ва А.В.Агеева инглиз, француз ва рус (кам даражада) тиббий атамалари шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганган. Тадқиқотчилар метафоризация ва деривацияга алоҳида эътибор бериб, тиббий дискурсада уларнинг тобора ортиб бораётган байналмилаллашувини қайд этишади<sup>31</sup>.

М.А.Логинованинг тадқиқоти инглиз тилида тиббий терминларнинг ясалишига бағишланган. Тадқиқотчи сўз ясалишининг энг фаол усуллари орасида аффиксация (*inhaler, unstable, disconnection*), қўшма сўзлар (*thromboembolism*), конверсия (*acid*), аббревиатуралар (қисқартма) (*Adverse Event (AE)*) кўпроқ учрашини таъкидлайди. Ўзлашма сўзлар эса кўпинча касаллик, синдром ва симптомларнинг номлари (*parkinsonism, albinism*)<sup>32</sup> (паркинсонизм, албинизм) эканлигини қайд этади.

И.С.Данилова ва Ю.С.Даниловалар инглиз, француз ва рус тилларидаги тиббий термин-эпонимларни ўрганган. Улар тиббий атамаларда турдош отлар

<sup>28</sup>Фуко М. Рождение клиники. – М.: Смысл, 1998. – 310 с.

<sup>29</sup>Косицкая Ф.Л., Матюхина М.В. Французский медицинский дискурс в сфере профессиональной коммуникации//Вестник ТГПУ (TSPU Bulletin). 2017. 3 (180). – С. 14-17.

<sup>30</sup>Hughes D. Control In The Medical Consultation: Organising Talk In A Situation Where CoParticipants Have Differential Competence. *Sociology*. 1982. – P. 359-375.

<sup>31</sup>Агеева А.В., Сахратова Э.И. Принципы формирования медицинской терминологии (сопоставительный анализ русского, французского и английского языков) // Язык и культура (Новосибирск), 2016. №25. – С. 77-81.

<sup>32</sup>Логинова М.А. Особенности перевода терминов в клинических исследованиях // Scripta manent. 2016. №22. – С. 89-93.

потенциалининг мавҳумлиги даражаси ошиши, синонимия жараёнида эпонимларнинг иштирок этиши билан қайд этилишини (масалан, эпонимик термин *Даун синдроми* / инг. *Down syndrome (DS)* ёки *Down's syndrome* / *франц. syndrome de Down* – инг. абсолют термин *trisomy* / *франц. acromimie*)<sup>33</sup> тадқиқ қилган.

Пан Ке Ен ва С.В.Шурипа корейс тилидаги тиббий атамаларнинг аффиксал ясалишини кўриб чиқади ва тиббий дискурда хитой тили суффиксларининг самарадорлигини таъкидлайди<sup>34</sup>.

И.В.Семенчук ва А.Н.Товстыко инглиз тиббий дискурсида метафораларни ўрганган. Улар гастроэнтерология соҳасига оид терминологияларда метафоризация (метафорик кўчириш) хусусиятларини кўриб чиқади. Шу билан бирга, муаллифлар тиббиётнинг турли соҳаларида метафоризация турли хил ва бевосита махсус соҳа хусусиятларига боғлиқлигини аниқлайдилар. Шундай қилиб, анатомияда ташқи ўрганишга асосланган объектнинг хусусиятлари, ҳажми, шаклига асосланган метафорик кўчиришлар, терапияда визуал, акустик, сезги, кечинмалар билан боғлиқ метафоралар, психиатрияда – ҳис-туйғулар билан боғлиқ концептуал метафоралар муҳим роль ўйнашини таъкидлайдилар. Гастроэнтерологияда муаллифлар ҳаётий (*bowel wall* – ичак девори), концептуал (*digestive disturbance* – овқат ҳазм қилишнинг бузилиши), географик (*gastric area* – ошқозон майдони), биоморфик (*tail of the pancreas* – ошқозон ости беши думи), геоморфик метафора (*Sigmoid colon* – сигмасимон ичак)лар ва метафора-соматизмлар (*hairy tongue* – тукли тил)ни аниқладилар. Тузилиш нуқтаи назаридан, метафораларнинг ясалишида терминологик комбинациялар (бирикмалар) самарали усул ҳисобланади<sup>35</sup>.

Илмий тиббиётнинг маълум бир жанрига бағишланган тадқиқотлар ҳам мавжуд. О.В.Ромашованинг илмий ишида стационар беморнинг тиббий картасидаги жанрий-услубий, расмий ва илмий услубларнинг интеграцияси (боғлиқлиги) кузатилади. Муаллиф ушбу жанрнинг вазифаси информацион-кумулятив, деб белгилайди ва стационар беморларнинг тиббий карталари матнларида илмий услубнинг тиббий терминология ва терминологик жумлаларни (мия шикастланиши, чап қўл биринчи бармоғининг проксимал фалангасини силжишсиз синиши, қулай прогноз (олдиндан айтиш)), аббревиатуралар (қисқартмалар) (СДВГ, РТЧ), пассив конструкциялар (тадқиқот давомида қуйидаги натижалар олинди, даволанишдан кейин қайд этилди), феълдан ясалган отлар (тузалиш, оғирлашиш), новербал (оғзаки бўлмаган) элементлар: рақамлар, графикалар, рентгенограммаларни белгилайди<sup>36</sup>.

Дискурсининг ҳар хил турларида нутқ жанрлари Ж.Свелс<sup>37</sup> томонидан тавсифланган. Унинг “Genre Analysis: English in Academic and Research Settings” (“Жанр таҳлили: академик инглиз тили ва тадқиқот созламалари”) монографиясида ва

<sup>33</sup> Данилова И.С., Данилова Ю.С. Структурно-семантические особенности медицинских терминов в английском и французском языках и проблемы их перевода на русский язык (краткое сообщение) // Вестник новых медицинских технологий. Электронное издание. 2014. №1. URL: <http://www.medtsu.tula.ru/VNMT/Bulletin/E2014-1/5047.pdf> (дата обращения: 25.12.2014).

<sup>34</sup> Пан Ке Ен, Шурипа С.В. Структурные особенности терминообразования в агглютинирующем языке (на примере корейской медицинской терминологии) // Вестник МГОУ. Сер: Лингвистика. 2015. №3. – С. 31-38.

<sup>35</sup> Семенчук И.В., Товстыко А.Н. Метафора в английской медицинской терминологии (на примере предметной области “гастроэнтерология”) // Журнал Гродненского государственного медицинского университета. 2015. №3. – С. 111-115.

<sup>36</sup> Ромашова О.В. Жанрово-стилевая специфика медицинского документа (на мат-ле медицинской карты стационарного больного) // Мир науки, культуры, образования. 2014. №5(48). – С. 127-131.

<sup>37</sup> Swales J. Genre Analysis: English in Academic and Research Settings. Cambridge: Cambridge University Press, 1990. – 260 p.

V.K.Батианинг “Worlds of Written Discourse. A Genre-Based View”<sup>38</sup> (“Ёзма нутк олами. Жанрга асосланган кўриниш”), “Critical Genre Analysis. Investigating Interdiscursive Performance in Professional Practice”<sup>39</sup> (“Танқидий жанр таҳлили. Касбий амалиётда интердискурсив кўрсаткичларни ўрганиш”) китобларида бу ҳақда батафсил ёритиб берилган.

Тиббий дискурс соҳасидаги тадқиқотлар натижаларини хорижий тадқиқотчилар S.Поирер ва Д.Бронер<sup>40</sup>, J.Кайпес<sup>41</sup>, Р.Эткинсон<sup>42,43</sup>, J.Вилс<sup>44</sup> илмий ишларида яққол кўриш мумкин. Тиббиёт социологияси соҳасида – Р.Энпеч<sup>45</sup>, Н.Вайтскин<sup>46</sup>, Р.Чарен, М.Грин ва Р.Аделмен<sup>47</sup>, А.Вернер<sup>48</sup>, ёзма ва оғзаки дискурс соҳасида эса М.Готта<sup>49</sup>, М.Готти ва Ф.Сележер-Меер<sup>50</sup> ва бошқалар салмоқли тадқиқотлар амалга оширишган.

Шунингдек, рус тадқиқотчилари В.Г.Борботько<sup>51</sup>, В.Н.Бабаян, С.Л.Круглова<sup>52</sup>, М.Л.Макаров<sup>53</sup>, Н.Ф.Алефиренко<sup>54</sup> Л.М.Алексеева ва С.Л.Мишланова<sup>55</sup>, Е.П.Богатикова, С.Л.Мишланова, А.А.Филиппова<sup>56</sup>, С.В.Майборова<sup>57</sup> ва бошқаларнинг ҳам асарларида мазкур мавзу ҳақида фикр юритилган.

Тиббий дискурс бўйича эса М.И.Барсукова, Л.С.Бейлисон, Н.В.Гончаренко, В.В.Жура<sup>58</sup> махсус тадқиқот олиб боришган.

<sup>38</sup> Bhatia V.K. *Worlds of Written Discourse. A Genre-Based View* // Bloomsbury Classics in Linguistics. London; New York: Bloomsbury Academic, 2004. – 259 p.

<sup>39</sup> Bhatia V.K. *Critical Genre Analysis. Investigating Interdiscursive Performance in Professional Practice*. London: Routledge, 2016. – 232 p.

<sup>40</sup> Poirier S., Brauner D. *Ethics and the Daily Language of Medical Discourse* // The Hastings Center Report. 1988. Vol. 18. № 4. – P. 5-9.

<sup>41</sup> Kuipers J. „Medical Discourse” in *Anthropological Context: Views of Language and Power* // *Medical Anthropology Quarterly*. 1989. № 3. – P. 99-123.

<sup>42</sup> Atkinson P. *Medical discourse, evidentiality and the construction of professional responsibility* // *Talk, work, and institutional order: Discourse in medical, mediation, and management settings*. 1999. – P. 75-108.

<sup>43</sup> Atkinson P. *Medical Talk and Medical Work*. London: Sage Publications, 1995. – 176 p.

<sup>44</sup> Wilce J. *Medical Discourse* // *Annual Review of Anthropology*. 2009. № 38. – P. 199-215.

<sup>45</sup> Anspach R. *Notes on the Sociology of Medical Discourse: The Language of Case Presentations* // *Journal on Health and Social Behavior*. 1988. Vol. 29. № 4. – P. 357-375.

<sup>46</sup> Waitzkin H. *A Critical Theory of Medical Discourse: Ideology, Social Control, and the Processing of Social Context in Medical Encounters* // *Journal of Health and Social Behavior*. 1989. Vol 30. № 2. – P. 220-239.

<sup>47</sup> Charon R. *Multi-dimensional interaction analysis: A collaborative approach to the study of medical discourse* // *Social Science and Medicine*. 1994. Vol. 39. № 7. – P. 955-965.

<sup>48</sup> Werner A. *A sociological perspective of the medical consultation* // *Tidsskrift for Den norske legeforening*. 2011. Vol. 20. № 131. – P. 2032-2034.

<sup>49</sup> Gotti M. *Variations in Medical Discourse for Academic Purposes* // *Medical Discourse in Professional, Academic and Popular Settings*. Bristol: Multilingual Matters, 2016. – P. 9-30; *Investigating Specialized Discourse*. Bern: Peter Lang, 2011. – 230 p.

<sup>50</sup> *Advances in Medical Discourse Analysis: Oral and Written Contexts* / ed. by Gotti M., Salager-Meyer F. Pieterlen: Peter Lang, 2006. – 492 p.

<sup>51</sup> Борботько В.Г. *Элементы теории дискурса*. – Грозный: ЧИГУ, 1981. – 113 с.

<sup>52</sup> Бабаян В.Н., Круглова С.Л. *Теория дискурса в системе наук о языке* // *Ярославский педагогический вестник*. 2002. № 3. – С. 55-57.

<sup>53</sup> Макаров М. Л. *Основы теории дискурса*. – М.: Гнозис, 2003. – 280 с.

<sup>54</sup> Алефиренко Н.Ф. *Текст и дискурс*. – М.: Флинта, 2012. – 232 с.

<sup>55</sup> Алексеева Л.М., Мишланова С.Л. *Медицинский дискурс: теоретические основы и принципы анализа*. Пермь: Изд-во Перм. ун-та, 2002. – 200 с.

<sup>56</sup> Богатикова Е. П., Мишланова С. Л., Филиппова А.А. *Особенности представления специального знания в медицинском дискурсе* // *Историческая и социально-образова-тельная мысль*. 2014. № 3. – С. 215-217.

<sup>57</sup> Майборода С.В. *Медицинский дискурс: современные теоретико-методологические подходы и перспективы исследования* // *Коммуникативные исследования*. 2017. № 1. – С. 63-74.

<sup>58</sup> Барсукова М.И. *Медицинский дискурс: стратегии и тактики речевого поведения врача: автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. филол. наук*. – Саратов, 2007. – 21 с.; Бейлисон Л.С. *Характеристики медико-педагогического дискурса (на материале логопедических рекомендаций): дис. ... канд. филол. наук*. – Волгоград, 2001. – 177 с.; Гончаренко Н.В. *Суггестивные характеристики медицинского дискурса: дис. на соиск. учен. степ. канд. фил. наук*. – Волгоград, 2007; Жура В.В. *Речевые стратегии врача в устном*



Ҳар қандай институционал соҳанинг дискурси турли хил жанрлардан иборат. Тиббий дискурс ижтимоий ўзаро таъсир майдони сифатида қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) кўплаб нутқ жанрларининг ёзма ва оғзаки шакллари;
- 2) тиббий идораларда ёки оммавий ахборот воситаларида шифокор ва беморнинг клиник учрашувлари (тиббий форумлар ва блоглар);
- 3) телевидениянинг машҳур тиббий дастурлари ва стационар тиббий ёзувлар, клиник конференциялардаги тақдимотлар ва ҳ.

Илмий ва тиббий дискурсда учта умумий макро жанр мавжуд. Булар:

- 1) илмий тадқиқот ишлар;
- 2) шифокорнинг бемор билан суҳбати;
- 3) дарслик.

Бундай дискурс иштирокчилари тиббиёт вакиллари ёки бошқа касб эгалари бўлиши мумкин. Бунда тиббий дискурсни ўзи вертикал (шифокордан беморга) ёки горизонтал (шифокордан шифокорга, олимдан олимга) амалга оширилиши мумкин.

Тиббий дискурсни ёзма ва оғзаки усуллари мавжуд.

Биринчидан, тиббий дискурс тиббий матн бўлиб, кўпинча касаллик, унинг диагностикаси, даволаш, олдини олиш ва ҳоказолар ҳақида гапирадиган махсус тиббий нашрдир. Тиббий маърузанинг мақсади – тиббиёт оламидаги тажриба алмашиш, айрим мутахассисларнинг тадқиқот маълумотларини очиқ бериш. Илмий тиббий маъруза иштирокчилари қаторига мутахассислар, амалиётчи шифокорлар, тиббиёт ходимлари, тиббиёт муассасалари талабалари киради.

Иккинчидан, илмий ва оммабоп тиббий дискурс илмий мақолалар, монографиялар, шарҳлар ва маърузалардан иборат дискурс жанрларига бўлинади. Уларнинг барчаси беморга мукамал тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган.

Учинчидан, тиббий дискурс муайян тиббий атамаларни тақдим этишнинг ўзига хос усули, бемор билан мулоқотнинг махсус шакли бўлиб, шифокор беморнинг соғлиғи билан боғлиқ муайян муаммони оддий тилда тушунтиради. Врач ва бемор мулоқотининг лингвистик роли шундан иборатки, адабиётларни ўқиш ва шифокор билан мулоқот қилишнинг тиббий дискурсидан фойдаланиш лингвистик йўналишга хос бўлиб, беморга, ҳатто оғир касаллик бўлса ҳам, даволаниш ва тикланишига ишониш имконини беради.

Илмий ва тиббий нутқнинг махсус дискурсив жанрлари Европада тиббиёт тарихи фани билан бирга пайдо бўлди. Улар орасида илмий мақола; картадаги клиник эслатмалар; тиббий дарслик ва атласлар бор<sup>59</sup>. Француз тиббий дискурсида Ф.Л.Косицкая ва М.В.Матюхина ёзма жанр сифатида амбулатория бемор картасини, касал рўйхатини, касалликнинг кундалигини, шифокорнинг рецептини, дастлабки ташхисни, касалхонага ётқизиш, хулоса, ҳарорат варағи, маслаҳат учун йўлланма ва бошқаларни ажратиб кўрсатишади<sup>60</sup>. Тиббиёт бу микрожанрларда нафақат фан сифатида, балки таъсир воситаси сифатида гавдаланади.

Тиббий дискурсни тиббиёт мутахассисларининг касбий маданиятини амалга оширишнинг коммуникатив-нутқ даражаси деб таърифлаш мумкин. Тиббий дискурс профессионал тиббиёт ҳамжамиятининг кадриятлари ва меъёрларини тўплайди ва намойиш қилади, касбий ва маданий интеграция, унинг вакиллари тарбиялаш

медицинском дискурсе // Альманах современной науки и образования: Языкознание и литературоведение в синхронии и диахронии и методика преподавания языка и литературы: в 3 ч. – 2007. – № 3, Ч. 2. – С. 59-61.

<sup>59</sup> Armstrong, D. The Patient's View'. In Social Science & Medicine. 1983. – P. 737-744.

<sup>60</sup> Косицкая Ф. Л., Матюхина М. В. Французский медицинский дискурс в сфере профессиональной коммуникации//Вестник ТГПУ (TSPU Bulletin). 2017. 3 (180). – С. 14-17.

воситаси, шунингдек, ушбу профессионал ҳамжамиятга хос бўлган ижтимоий ва касбий муносабатларни тартибга солиш воситасидир.

Тиббий дискурс ҳар қандай нутққа хос хусусиятларга эга. Бундай белгиларга фаоллик табиати (динамизм, жараёнлилик), очиклик, интерактивлик, информативлик, изчиллик, яхлитлик, структуралилик, дискретлик (артикулярлик) киради. Асосий хусусиятларга кўра, тиббий дискурс одамларнинг ўзаро таъсирининг институционал ёки мақомга йўналтирилган нутқий тури деб аталади<sup>61</sup>. Тиббий дискурс – бу тиббиёт мутахассисларининг касбий ва коммуникатив ўзаро таъсири соҳаси, шунинг учун у деонтологик йўналиш, бағрикенглик, қатъиятлилик каби белгиларга эга. Аммо тиббий дискурснинг асосий, базавий категорияси лингвотерапевтик йўналиши – “сўз билан даволаш” тан олиними керак.

Машҳур қадимги Рим ёзувчиси Плиний шундай деган: “Тиббиётдан фойдалироқ санъат йўқ<sup>62</sup>”. Энг буюк юнон шифокори Гиппократнинг сўзларига кўра, “тиббиёт санъати учта элементдан иборат: касаллик, бемор ва шифокор”<sup>63</sup>. Шифокор ва бемор касалликни даволашнинг асосий иштирокчилари, шунинг учун улар мулоқотининг тегишли натижаси терапиянинг ўзига катта таъсир кўрсатади. Тилдан ва унга асосланган матнлардан фойдаланмасдан муваффақиятли мулоқот қилиш мумкин эмас.

Дискурс мавзусини, айниқса тиббиётда муҳокама қилиш учун М.Пилегард сўзлари муҳим роль ўйнайди: “Замонавий билимлар жамияти буни махсус нутқ ва умуман бошқа мутахассисликлар, жамоатчилик учун очик бўлиши керак, деб талаб қилади. Бугунги мутахассислар ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ мулоқот қилишлари керак<sup>64</sup>”.

Касбий алоқа ва тиббий дискурс масаласини кўриб чиқиш учун нутқнинг бир нечта таърифларини тақдим этиш билан бошлаш керак. Дискурс коммуникатив ўзаро таъсир (алоқа ҳодисаси) сифатида белгиланади ва учтадан иборат алоқа босқичлари: тилдан фойдаланиш, ғояларни етказиш ва ижтимоий вазиятларда ўзаро таъсирлардан иборат<sup>65</sup>.

Тиббий коммуникация икки асосий турга бўлинади:

- 1) шифокорнинг бемор билан алоқаси;
- 2) мутахассислар ўртасидаги алоқа.

Биринчи гуруҳни учта кичик гуруҳга ажратиш мумкин:

- а) шифокор маслаҳати пайтидаги алоқа (тиббий кўрик);
- б) бутун даволаш жараёни;
- в) тикланиш ва назорат пайтидаги текшириш.

Иккинчи гуруҳга эса қуйидаги мулоқотлар киради:

- а) мутахассис (шифокор-шифокор);
- б) шифокор ва ҳамшира;
- в) шифокор ва фельдшер;
- г) шифокор ва тиббиёт йўналиши талабаси, магистр, ординатор;

<sup>61</sup>Барсукова М.И. Медицинский дискурс: стратегии и тактики речевого поведения врача // Автореф.дисс...канд.фил.наук. – Саратов, 2007. – 23 с.; PR-дискурс: Теоретико-методологический анализ. – Екатеринбург, 2008. – 340 с.

<sup>62</sup>Цитаты и афоризмы. URL: <http://city.su/aforizmy-i-city-o-medicine>

<sup>63</sup>Цитаты и афоризмы. URL: <http://city.su/aforizmy-i-city-o-medicine>

<sup>64</sup>Pilegaard, M. Review: Advanced in Medical Discourse Analysis: Oral and Written Contexts. Marurizio Gotti & Francoise Salager-Meyer // LSP & Professional Communication. 2007. Vol. 7. № 2. – P.113-118.

<sup>65</sup>Taavitsainen I. Medical discourse: early genres, 14th and 15th centuries // The Encyclopedia of Language & Linguistics. New York: Elsevier, 2006. – P. 668-694.

д) шифокор ва бошқа ходимлар (тиббиёт котиби, касалхона директори ва бошқалар)<sup>66</sup>.

Польшалик олимлар тиббий алоқанинг тўрт турини ажратиб кўрсатишади:

- 1) назарий (мутахассис-мутахассис);
- 2) дидактик (мутахассис ва талаба, тиббиёт соҳасидаги резидент);
- 3) илмий-оммабоп (мутахассис-номутахассис);
- 4) амалий (амалий фанлар соҳасида ишлатилади)<sup>67</sup>.

Мулоқотнинг биринчи асосий тури (шифокорнинг бемор билан мулоқоти) ҳам хорижий, ҳам рус махсус адабиётида кенг муҳокама қилинади. Шифокор-бемор ўртасидаги тиббий мулоқот даволаниш жараёнида жуда муҳим роль ўйнайди, унинг ёрдамчи элементи ҳисобланади. Бу борада кўплаб ишларда муаммо турли нуқтаи назардан, масалан, тиббиёт социологияси томонидан кўриб чиқилади<sup>68</sup>.

Мулоқотнинг иккинчи асосий тури мутахассислар ўртасида, шунингдек, тиббиёт мутахассислари ва бошқа касб вакиллари ўртасида – XX асрда мунозара учун мавзу бўлди. Мазкур мавзуга доир Е.Фрейдсоннинг “Patient’s Views of Medical Practice<sup>69</sup>” (“Беморнинг тиббий амалиётга қарашлари”), “Profession of Medicine<sup>70</sup>” (“Шифокор касби”) ва “Doctoring Together<sup>71</sup>” (“Биргаликда даволаш”) монографияларини социология нуқтаи назаридан ёзилган деб ҳисоблаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, тиббиётда мулоқот оғзаки ва ёзма равишда содир бўлади. Мулоқотнинг оғзаки шакллари мутахассислар ўртасидаги мунозаралар, илмий учрашувлар, конференциялар (конференцияда маъруза билан чиқишлар), муайян ишни муҳокама қилиш кабиларни киритиш мумкин. Ёзма мулоқотга хатлар (масалан, беморни касалхонага олиб бориш талаби билан), тиббий ҳужжатлар, шунингдек, журналларда илмий мақолалар чоп этилиши кирди<sup>72</sup>.

Чет эл адабиётида тиббий мулоқотда маслаҳатлар, матн ва баёноتلарни тўғри яратиш бўйича маслаҳатларни ўз ичига олган кўплаб асарлар мавжуд. Масалан, М.М.Ван Наерссен<sup>73</sup> тиббий ҳужжатлар масаласи билан шуғулланади, яъни, унинг турлари, нормалари, яратилиш қоидалари ва функцияларини тақдим этади. Муаллиф бемор учун ҳам, шифокор учун ҳам асосий ва энг муҳим ҳужжат – беморнинг

<sup>66</sup>Van Naerssen M. M. Medical Records: One Variation of Physician’s Language // International Journal of the Sociology of Language. 1985. № 51. – P. 43-73.

<sup>67</sup>Gajda S. Podstawy badań stylistycznych nad językiem naukowym. Warszawa; Wrocław: Państwowe Wydawnictwo Naukowe, 1982. – 187 p.

<sup>68</sup>Samora J., Saunders L., Larson R. F. Medical Vocabulary Knowledge Among Hospitals Patients // Journal of Health and Human Behavior. 1961. Vol. 2. № 2. – P. 83-89.

<sup>69</sup>Freidson E. Patients’ Views of Medical Practice. New York : Russell Sage Foundation, 1961. – 268 p.

<sup>70</sup>Freidson E. Profession of Medicine: A Study of the Sociology of Applied Knowledge. New York: Dodd Mead, 1970. – 285 p.

<sup>71</sup>Freidson E. Doctoring Together: A study of professional social control. New York : Elsevier, 1975. – 298 p.

<sup>72</sup>Baylon Ch., Mignot X. Komunikacja. Krakow : FLAIR, 2008. – 431 p.

<sup>73</sup>Van Naerssen M.M. Medical Records: One Variation of Physician’s Language // International Journal of the Sociology of Language. 1985. № 51. – P. 43-73.

касаллик тарихига алоҳида эътибор беради. Ушбу муаммо L.L.Вид<sup>74</sup>, S.Рейсер<sup>75</sup> ва Е.Сиглер<sup>76</sup>лар томонидан ҳам ўрганилган.

Тиббий дискурс мавзуларига турли касалликларни ўрганиш, шифокорлар ихтисослиги билан боғлиқ кенг қўламли муаммолар киради. В.И.Карасик<sup>77</sup> фикрига кўра институционал дискурсни тузилиши бўйича тиббий нутқда қуйидаги компонентларни ажратиш мумкин:

1) иштирокчилар (тиббиёт олими – ҳамкасблари, турли тиббиёт мутахассисликлари вакиллари, тиббиёт соҳасидаги олимлар, шифокор-мутахассис, шифокор-амалиётчи, талабалар, стажёрлар; бемор, беморларнинг қариндошлари; тиббиёт, соғлиқни сақлаш, илмий-оммабоп журналларни ўқиш муаммолари билан қизиқадиган кенг жамоатчилик);

2) хронотоп (ушбу турдаги дискурс учун хос бўлган вазият: тиббиёт муассасаси, бўлими, лабораторияси ва бошқалар.);

3) мақсад (беморга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ нутқ тафаккури: касалликнинг таърифи, даволаш, илмий муаммони ҳал қилиш ва бошқалар.);

4) қадриятлар (асосий тушунчалар “Саломатлик”, “Касаллик” ва бошқалар.);

5) стратегиялар (диагностика, тавсия қилиш ва ҳоказо.).

Ушбу компонентлар педагогик ва диний дискурсларнинг тавсифида тўлиқ таъкидланган<sup>78</sup>. Тиббий дискурс тавсифи институционал нутқ турларининг эскизи сифатида берилган.

Л.С.Бейлинсон тиббий дискурсни қуйидаги жанрларини аниқлайди:

1) диагностик маслаҳат (сухбат); 2) беморнинг шикояти; 3) анамнез картаси; 4) объектив тиббий кўрик сертификатлари (кардиограмма транскрипти, қон таҳлили, рентгенограмма ва ҳоказо); 5) тиббий консилиум (маслаҳат); 6) вербал (оғзаки) даволаш; 7) тиббий тавсиянома; 8) рецепт; 9) тиббий маълумотнома (касаллик варақаси); 10) эпикриз<sup>79</sup>.

“Тиббий нутқ” атамасининг ўзи уни бошқа дискурс турларидан ажратиб турадиган ва тиббиётга тегишли эканлигини белгилайдиган компонентни ифодалайди. Бироқ “тиббиёт” лексемаси ушбу концепция кўриб чиқиладиган позицияларга қараб турли хил маъноларга эга бўлиши мумкин. Демак, кенг маънода тиббиёт “саломатлик ва касалликлар, касалликларни даволаш ва олдини олиш, шунингдек, одамлар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий фаолият ҳақидаги фанлар мажмуи” деб таърифланади<sup>80</sup>.

<sup>74</sup>Weed L. Medical records that guide and teach // *New English Journal of Medicine*. 1968. № 278. – P. 593-600; *Medical Records, Medical Education and Patient Care*. Cleveland : The Press of Case Western Reserve University, 1969; *Medical records, patient care, and medical education // Irish Journal of Medical Science*. 1964. Vol. 39. № 6. – P. 271-282.

<sup>74</sup> Weed L. *Medical Records, Medical Education and Patient Care*. Cleveland : The Press of Case Western Reserve University, 1969.

<sup>75</sup>Reiser S. J. *The Clinical Record in Medicine. Part 1: Learning from Cases // Annals of Internal Medicine*. 1991. Vol. 114. № 10. – P. 902-907.

<sup>76</sup>Siegler E. *The Evolving Medical Record // Annals of Internal Medicine*. 2010. Vol. 153. № 10. P. 671-677.

<sup>77</sup>Карасик В.И. О типах дискурса / В.И. Карасик // *Языковая личность: институциональный и персональный дискурс: сб. науч. тр. / В.И. Карасик*. – Волгоград: Перемена, 2000. – С. 5-20.

<sup>78</sup>Карасик В.И. Характеристики педагогического дискурса / В.И. Карасик // *Языковая личность: аспекты лингвистики и лингводидактики*. – Волгоград: Перемена, 1999. – С. 3-18. 98; *Религиозный дискурс / В.И. Карасик // Языковая личность: проблемы лингвокультурологии и функциональной семантики*. – Волгоград: Перемена, 1999. – С. 5-19.

<sup>79</sup>Бейлинсон Л.С. Характеристики медико-педагогического дискурса (на материале логопедических рекомендаций): дис. ... канд. филол. наук: 10.02.01 / Любовь Семеновна Бейлинсон. – Волгоград, 2001. – 177 с.

<sup>80</sup>Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фраз.выражений / Российская академия наук; Институт русского языка им.В.В.Виноградова. 4-е изд., доп. М.: Азбуковник, 1999. – 348 с.



Социологияда тиббиёт ўзига хос кадриятларга (мақсадлар, тамойиллар, кодекслар), тузилишга, функцияларга, институционал ташкилот ичидаги шаклларга, рамзларга, мақомларга ва ролларга (шифокорлар, беморлар, давлат ва б.) эга бўлган касбий табақаланиш тизими ва касб-ҳунар таълими тизими сифатида ажралиб туради.

Тиббиётни тушунишга йўналтирилган ёндашувлар замонавий тилшуносликда тиббий дискурсни ўрганишнинг етакчи йўналишларини белгилаб берди, уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Тиббий дискурсни “тиббиёт тили”, “махсус мақсадлар тили” (LSP – Language for Special Proposes – махсус таклифлар тили), махсус тил, касбий нутққа қаратилган функционал ва коммуникатив ёндашув нуктаи назаридан тадқиқ қилинган<sup>81</sup> нутқ сифатида ўрганиш.

2. Тиббий дискурсни ижтимоий тиббиёт институти билан боғлиқ ҳолда<sup>82</sup>, институционал нутқ сифатида ўрганиш.

Шуни таъкидлаш керакки, бу ёндашувлар бир-бирига зид эмас, балки эътиборни тиббий дискурсни алоҳида жиҳатларига қаратади ва бир-бирини тўлдириб, бу ҳодисанинг жиддийлигини очиқ беради.

Кўпгина олимлар (Н.В.Майсак, С.И.Маджаева, Н.Ю.Сидорова, В.В.Жура) тадқиқот натижалари тиббий дискурсни лингвистик, нутқий ва коммуникатив амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни: деперсонализация, стандартлаштириш, девиативлик<sup>83</sup>, зиддият<sup>84</sup> ва ушбу ҳодисаларга ҳисса қўшадиган коммуникатив тўсиқлар: иштирокчилар ўртасидаги муносабатларнинг ассиметрияси<sup>85</sup>, мулоқотнинг ҳиссийлиги<sup>86</sup> ва ҳ. аниқлаш имконини берганлиги ҳақида фикр билдирганлар.

Тиббиёт – бу инсоннинг бутун ҳаётини қамраб оладиган мураккаб фан экан, асосий жиҳати нафақат олимлар томонидан янги касалликларни кашф этиш ва уларни даволаш усуллари, балки тиббиёт ходимларининг касбий маҳоратидир. Шифокор кўп даражали билимлар омбори бўлиб, уларнинг баъзилари касбий этика баъзилари тиббий дискурс қоидаларини ўз ичига олади. У буларнинг барчасини ўз амалиётида қўллаши шарт.

Тиббий дискурс қоидалари инсон саломатлиги ва унинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган касбий нутқ меъёрларнинг барча таркибий қисмларини ўз ичига олади.

Тиббий дискурсни мақсади беморга ёрдам бериш, яъни беморга ташхис қўйиш, даволаш ва унинг соғлиғини сақлаш учун ўзини қандай тутиш кераклигини тушунтиришидир. Мақсадга асосий ниятлар билан белгиланган стратегиялар орқали эришилади. Ташхис қўйиш, даволаш ва йўналтириш стратегиялари шифокор ва бемор

<sup>81</sup>Кочеткова Т.В. Языковая личность носителя элитарной речевой культуры: дис...д-ра фил.наук. – Саратов, 1999. – 534 с.

<sup>82</sup>Карасик В.И. О типах дискурса / В.И. Карасик // Языковая личность: институциональный и персональный дискурс: сб. науч. тр. / В.И. Карасик. – Волгоград: Перемена, 2000. – С. 5-20.

Барсукова М.И. Медицинский дискурс: стратегии и тактики речевого поведения врача: дис...канд.филол.наук. – Саратов, 2007. – 141 с.

<sup>83</sup>Майсак Н.В., Маджаева С.И. Девиативный медицинский дискурс как неэффективный стиль взаимодействия врача и пациента // Астраханский медицинский журнал. 2010.Т.5. – С.133-137.

<sup>84</sup>Карымшакова Т.Г. Лингвистические технологиеречевого воздействия в медицинском дискурсеб автореф.дис...канд.филол.наук. – Улан-удэ, 2016. – 26 с.

<sup>85</sup>Сидорова Н.Ю. Коммуникативное поведение неравностатусных субъектов медицинского дискурса: на материале немецкого языка: дис...канд.филол.наук. – Волгоград, 2008. – 177 с.

<sup>86</sup>Жура В.В. Эмоциогенность общения «врач-пациент» как коммуникативная проблема устного медицинского дискурса // Известия Российского пед.университета им. А.И.Герцена. 2008. – С. 25-33.

ўртасидаги муносабатларнинг турли босқичларига кўра фарқланади. Булар борасида кейинги фаслларда батафсил тўхталиб ўтилади, таҳлил қилинади.

Юқорида жаҳон тилшунос олимларининг тиббий дискурс тушунчасига берган таърифлари ҳамда турлича ёндашув билан таҳлил қилганларини кузатдик, ўргандик ва умумлаштирдик.

Ўзбек тилшунослигида ҳам бугунги кунда тиббиёт тилшунослиги, тиббий лингвистика деб аталадиган янги фан тармоғи ривожланиб бормоқда. Тиббиёт тили тиббиёт тарихчилари учун ҳам, тилшунослар учун ҳам долзарб масалаларни ҳал этади. Классик олимлар энг қадимги тиббий ёзувларнинг мазмуни ва тилини батафсил таҳлил қилдилар, бугунги кунда эса тиббий лингвистиканинг, тиббий терминологиянинг кейинги ривожланиши тилшунослигимизнинг ютуғидир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бизда тиббиёт қадимдан ривожланган соҳадир. Ибн Синонинг табобатда қилган ишлари унинг номини бир неча асрларга шу фан соҳаси билан чамбарчас боғлади. Олимнинг табобат тараққиётидаги буюк хизмати шундаки, у ўзигача ўтган турли халқ намоёндалари томонидан асрлар давомида тиб илми соҳасида тўпланган маълумотларни саралаб, муайян бир тартибга солди ва уларни ўз тажрибалари билан бойитган ҳолда маълум назария ва қонун-қоида асосида умумлаштирди. Бунга унинг “Тиб қонунлари” ва бу асарнинг жаҳон тиб илми тарихида тутган мавқеи ва қозонган шуҳрати ёрқин далилдир<sup>87</sup>.

Ибн Синонинг табобат соҳасида қилган ишлари ўша давр табобатини бир неча асрларга илгарилатди ва айрим соҳаларда ҳатто ҳозирги замон тиббиётига яқинлаштирди ҳам. Ўз-ўзидан англашиладики, ўша даврдан тиббий дискурс термини билан бўлмаса-да мазкур масала буюк бобомиз томонидан кун тартибига қўйилган. Хусусан, унинг: “Табиб хастага ширин сўз, хуш хулқ, хушмуомалалик билан ёндашиши, унинг дардини ўзининг дарди деб билиб, оғриси оғриб, йиғласа йиғлаб, инграса инграши, беморга бегона ёки хирс кўзи билан қарамаслиги, қиз бўлса, қизим, ўғил бўлса, ўғлим, аёл бўлса, онам, эркак бўлса, отам, ака ва укам деб ёндашиши шарт”, - деган мулоҳазаси шундан дарак беради.

Тилшунослигимизда тиббий лингвистика бўйича санокли ишлар амалга оширилган. Жумладан, Н.Ғайбуллаева<sup>88</sup> тиббий эвфемизмларни, А.Қобилова<sup>89</sup> тиббий перифразаларни, Д.Собирова<sup>90</sup> тиббий рекламаларнинг социопрагматик хусусиятларини монографик планда ўрганган. “Тиббий метафораларнинг қисқача изоҳли луғати” ҳамда “Ўзбек тили тиббий эвфемизмларининг қисқача изоҳли луғати” яратилган<sup>91</sup>. Бундан ташқари, тиббиёт ходимлари нутқининг социолингвистик хусусиятлари<sup>92</sup> борасида айрим мулоҳазалар юритилган. Хусусан, тадқиқотчи эркак ва аёл шифокорларнинг нутқини ўрганиш асосида қуйидаги тенденцияларни ажратиб кўрсатади:

1. Танишув ва саломлашиш, жинси ва профилидан қатъи назар, мутлақо барча шифокорлар учун бир хил.

<sup>87</sup> <https://xalq-tabobati.uz/uz/1645/maqolalar/abu-ali-ibn-sino-hayot-yoliga-nazar/>

<sup>88</sup> Ғайбуллаева Н.И. Ўзбек тилида тиббий эвфемизмлар: Филол.фан.бўйича фал.док-ри.дисс... – Бухоро, 2019. – 145 б.

<sup>89</sup> Қобилова А. Тиббий перифразаларнинг лингвомаданий хусусиятлари: Филол.фан.бўйича фал.док-ри.дисс... – Бухоро, 2022. – 155 б.

<sup>90</sup> Собирова Д.Р. Тиббий рекламаларнинг социопрагматик хусусиятлари: Филол.фан.бўйича фал.док-ри.дисс... – Бухоро, 2022. – 153 б.

<sup>91</sup> Ғайбуллаева Н.И. Ўзбек тили тиббий эвфемизмларининг қисқача изоҳли луғати”. – Тошкент: Академнашр, 2019. – 77 б.; Абузалова М.К., Юлдашева Д.Н., Болтаева Н. Тиббий метафораларнинг қисқача изоҳли луғати. – Бухоро: Дурдона, 2021. – 63 б.

<sup>92</sup> Курбанова Н. Тиббиёт ходимлари нутқининг социолингвистик хусусиятлари // CENTRAL ASIAN ACADEMIC JOURNAL OF SCIENTIFIC RESEARCH. VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2022. – Б. 351-354.

2. Эркак ва аёл шифокорлар беморларга нисбатан бир хил даражада хушмуомала бўлиб, даволаниш режасига оид маълумотларни ўрганиш ва тушунтиришда конструктивдир.

3. Аёл шифокорларнинг нутқи баъзан эркакларники каби хазил аралаш, норасмий ҳам бўлиши мумкин.

Тиббиёт вакиласи С.Ёрованинг “Бевосита тиббиётнинг касб компетенцияси ва унинг деонтологик асослари”<sup>93</sup> мақоласида дискурс, шифокор-бемор муносабати, шифокор деонтологияси ҳақида қисман маълумот берилган. Муаллиф таъкидлаганидек, тиббий мулоқотга тилшунослик нуктаи назардан баҳо берилган аксарият ишларда мулоқот кечимида лисоний бирликлар танлови, нутқнинг когнитив ва лингвомаданий асослари, синтактик-семантик хусусиятлари билан бирга, ушбу касб соҳибларининг юксак инсоний фазилатларга эга бўлиши ҳам алоҳида муҳокама қилинади.

Шу ўринда тиббий деонтология тушунчасига тўхталиб ўтсак.

Тиббиёт деонтологияси – [тиббиёт](#) ходимларининг касбга алоқадор этикаси, дори-дармон, умуман давонинг таъсирини оширишга қаратилган хулқ-атвор таомиллари. Деонтология, яъни кишининг хулқи, одоби ҳақидаги [тушунча](#) XVI асрнинг бошларида инглиз файласуфи ва иқтисодчиси И. [Бентам](#) томонидан таомилга киритилган. Тиббиёт деонтологиясига оид маълумотлар узоқ тарихга эга. Аслида, тиббиёт деонтологияси кенг фалсафий мазмунга эга бўлиб, бир қанча йўналишлардан иборат: 1) шифокор билан бемор ўртасидаги; 2) шифокор билан беморнинг яқин кишилари ўртасидаги [муносабат](#); 3) шифокорнинг ҳамкасблари билан муносабати ва ҳ. к.

Тиббиёт деонтологиясига врачнинг [сир](#) саклаши, беморнинг ҳаёти ва соғлиғи учун тиббиёт ходимининг жавобгарлиги, тиббиёт ходимларининг ўзаро муносабати масалалари ва б. киради. Тиббиёт деонтологиясига мувофиқ, тиббиёт ходими беморга катта эътибор бериши, унинг соғлиғини тиклаш ёки азобини енгилаштириш учун бутун билимини сарфлаши, беморга унинг соғлиғи ҳақидаги фақат [фойда](#) келтира оладиган маълумотларни айтиши, беморнинг [врач](#) билан сирдош бўлишига эришуви зарур. Беморнинг касаллиги ҳақида унинг иштирокида ҳамкасблари билан сўзлашиши ярамайди.

Тиббиёт деонтологиясининг тиббиёт амалиётида тўғри жорий қилиниши, шифокорнинг онги, савияси, маданияти, дунёқараши, [билим](#) ва қайси жамиятда яшаётганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Кишилиқ жамиятининг турли даврларида деонтологик муносабатлар турлича кечган, у [замон](#) талабига мос равишда ўзгариб борган<sup>94</sup>.

Демак, тиббиёт таълим муассасаларида махсус фан сифатида ўқитиладиган тиббиёт деонтологиясининг бир қисмини тиббий дискурс ташкил қилади.

Кўринадики, замонавий ўзбек лингвистикасида тиббий дискурс масаласи монографик планда ўрганилмаган ва кун тартибига қўйилмаган. Бундан англашиладики, тиббий нутқнинг дискурсив, коммуникатив ва прагматик стратегияларни аниқлаш ва фарқлаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тиббий нутқ ижтимоий мақсад билан шартланган коммуникатив фаолиятнинг бир қисми бўлганлиги, лингвистик воситалар ва касбий мулоқотнинг экстралингвистик таркибий қисмларини бирлаштирганлиги сабабли,

<sup>93</sup> Ёрова С. Бевосита тиббиётнинг касб компетенцияси ва унинг деонтологик асослари // "Science and Education" Scientific Journal / Impact Factor 3.567 (SJIF) November 2022 / Volume 3 Issue 11. – Б. 899-905.

<sup>94</sup> [Косимов](#) Э.И. Шифокорнинг [нутқ маданияти](#) ва бемор билан мулоқот санъати. Тиббиёт деонтологияси. – Тошкент, 2002.

ушбу ходисани нутқ хатти-харакатларининг самарадорлиги, усуллари ва функциялари нуқтаи назаридан ўрганиш долзарбдир.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. АБДУЛЛАЕВА М., АБДУРАШИДОВ М., АБИЛОВ У. ФАЛСАФА ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ. – ТОШКЕНТ: ШАРҚ, 2004. – Б. 126.
2. Сафаров Ш. Лингвистика дискурса. – Челябинск, ЧГКИ, 2018, – 315 с.; Прагмалингвистика. – Тошкент: 2008. – 318 б.;
3. Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2002. – 37 б.
4. Пардаев А. Дискурсив юкламаларнинг прагматик вазифаси хусусида // Бадий асарларни шарҳлаб ўрганиш: тарих, тажриба, технология. Республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент: ТДПУ, 2014. – Б. 197-200.
5. «Дискурсив юкламалар» ҳақида // Республика ёш олимлар илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ЎзФА, 2014. – Б.271-272.
6. Дискурсивные маркеры в узбекском языке // Дискурсология: язык, культура, общество: материалы XIII Международной научной конференции. – Луганск: ЛНУ, 2014. – С.81-91.
7. Дискурс ҳақида айрим мулоҳазалар // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ТошДЎТАУ, 2016. – Б.49-51.
8. Раупова Л. Диалогик дискурсадаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи: филол. фан. д-ри...дисс. автореф. – Т.: 2012.
9. Диалогик дискурсада миллий ментал омилларнинг намоён бўлиши // “Амударё” журнали, № 5. 2010. – Б. 125-128.
10. Dialogical discourse as an environment in which a polypredictive unit is implemented. ISJ Theoretical & Applied Science, 03 (83), 451-457.
11. [Диалогический дискурс как среда, в которой реализуется полипредикативная единица](#) // Theoretical & Applied Science. № 3. 2020. – С. 451-457.
12. Diyalojik diskursa sosyal mental ve pragmatik etkenler // Turkiy tilda so‘zlashuvchi xalqlar qurultoyi. – 2017; Диалогик дискурс босқичлари ва уларнинг шаклланиши // Дунёвийлик ва динийлик ёшлар нигоҳида. 2010. – Б. 68-72.
13. Бадий ва санъат асарларида маданий нутқ орқали миллий ментал омилларнинг ифодаланиши. Монография. – Тошкент: Инновация- зиё, 2019.
14. Нормуродова Н.З. Вербальная экспликация антропоцентризма в англоязычном художественном дискурсе. Автореф. ... дисс.д.ф.н.– Т., 2020. – 81 с.
15. Verbal explication of discursive personality in the light of antropthentrism // ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal Vol. 10 Issue 12, December 2020.
16. Одилова Г. К. Хусусий дискурслар лингвомаданий талқинининг назарияси ва амалиёти Автореф. Филол. фан. д-ри...дисс. – Тошкент, 2020. – 80 б.
17. Турниёзов Н. Синтагматик муносабат ва дискурс шаклланишига доир баъзи қайдлар // Хорижий филология. № 4, 2016 йил. – Б. 10-13.
18. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – 318 б. – Б. 236-237.
19. Latibjonovna B. G. ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИНГ ТИББИЙ НУТҚ МАЛАКАСИ ТАВСИФИ //International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences. – 2022. – С. 124-129.





20. Latibjonovna, Babayeva Gulnozaxon. "ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИНГ ТИББИЙ НУТҚ МАЛАКАСИ ТАВСИФИ." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* (2022): 124-129.

21. Latibjonovna, B. G. (2022). ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИНГ ТИББИЙ НУТҚ МАЛАКАСИ ТАВСИФИ. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 124-129.